



HURRIYAT

201
Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

Mustaqil gazeta

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan * Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru * www.uzhurriyat.uz * 2019-yil 9-oktabr, chorshanba * № 36 (1148)



MATONATLI A'EL

Хайтнинг баланд-пастидан ўтиб келаётган бу аёл ўзи айтганидек, қийинчиликларга таслим бўлмади. Ўтган йиллар давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, сенатор сифатида ҳам фаолият олиб борди.

⇒ 3-бет

МАДҲИЯМИЗНИ ИНГЛИЗ ТИЛИДА КУЙЛАГАН ҚИШЛОҚ МУАЛЛИМАСИ



Оддийгина, ҳокисоргина муаллима мадҳияни куйлаб бўлгач, мажлисхона гумбурлаган қарсақ садолари ва олқишлар оғушида қолди. Кўринишидан анча мағрур, қолаверса, инглиз тилини мукаммал билувчи вазир ўринбосари қўлини кўксига қўйиб...

⇒ 3-бет

ФЕЛЬЕТОНЛАР ҚИРОЛИ

Абдулла Қодирий ҳақиқатан ҳам "фельетонлар қироли" эди, унинг ҳажвларини ўқиган ақл-идрокли, виждонли ўқувчи ёзувчининг сўзларидан, у тасвирлаган қизиқ воқеалардан, образлар ва тишларнинг антиқа хатти-ҳаракатларидан ҳам кулар, ҳам жамият, миллатнинг бу қадар қолюқ, жоҳил бўлиб қолаётганлигига ачинаиб, хўрлиги келиб йнгллар эди...



⇒ 4-бет

• ЯНГИЛИКЛАР • ХАБАРЛАР • ВОҚЕАЛАР

Ўзбекистон Президентининг МДХ саммитида иштирокига доир



Mustaqil Davlatlar Hamdustligi Davlat Raqbarlari Kengashining navbatdagi majlisi
10-11 oktabr, Ashobod shahri

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 10-11 октябр кунлари Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтадиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этади.

Мажлисида Ҳамдўстлик доирасида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган комплекс масалаларни муҳокама қилиш, шунингдек, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган.

Саммит якунида бир қатор ҳужжатлар, жумладан, 2020 йилда МДХда раисликнинг Ўзбекистон Республикасига ўтиши тўғрисидаги қарор, Стратегик иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида декларация, 1941-1945 йилларда Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан МДХга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ҳамдўстлик мамлакатлари халқлари ва халқаро ҳамжамиятга мурожаати, 2020-2022 йилларда терроризм, экстремизм ва зўравонликнинг бошқа кўринишларига қарши курашиш бўйича ҳамкорлик дастурини қабул қилиш кўзда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти МДХ саммитидаги иштироки доирасида Ашхободда қатор давлатлар раҳбарлари билан икки томонлама учрашувлар ўтказилади.

УзА.

Кореялик журналистлар юртимизда

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан Корея журналистлар ассоциацияси ўртасида шу йилнинг 25 март кuni Сеул шаҳрида журналистика соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича келишув имзолаган эди. Шунга мувофиқ кuni кеча юртимизга Корея журналистлар ассоциацияси президенти Жунг Кю Сунг бошчилигидаги бир гуруҳ ОАВ вакиллари ташриф буюрди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида меҳмонларни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси С.Ҳакимов ва уюшма вакиллари кутиб олди.

Дастлаб кореялик журналистлар пойтахтимиздаги Корея маданият марказига ташриф буюриб, ушбу марказда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. Бу ерда мазкур марказ раиси Виктор Пак Ўзбекистонда истиқомат қилаётган кореялик миллатига мансуб фуқаролар билан ишлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни, олиб бораётган фаолиятлари хусусида ҳамда давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев бошчилигида турли миллат ва эл вакиллари учун яратилган имконият хусусида сўз юритди. Шундан сўнг меҳмонлар Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган "Хван Ман Гым" музейида ҳам бўлишди.



Кореялик журналистлар гуруҳи бугун — 9 октябр кuni "Халқ сўзи" ва «Народное слово» газеталари таҳририятида, УЗМТРК медиа марказида, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида бўлишди. Шунингдек, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари, хусусан, Мустақиллик майдони, Амир Темур хивобни ҳудудлари билан танишиши режалаштирилган.

Кореялик ОАВ вакиллари ташриф доирасида шу йил 14 октябргача юртимизда бўлишиб, Самарқанд ва Хоразм вилоятларига ҳам боришади.

Ўз мухбиримиз.



Ўзбекистон халқинг каби сахий кузинг...

» Эссе



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев учрашувлардан бирида, дунёга доврўг солган Соҳибқирон Амир Темур ҳақида гапириб, шунча буюк ишларни бобомизнинг бир ўзлари қилмагандурлар, ёнларида кимлар бор эди, уларни ҳам билишимиз керак, деган эдилар. Жуда ўринли фикр. Бу фикрга баҳоли қудрат жавоб беришни ўз бурчимиз деб билдик. Ушбу эссе шу муносабат билан қаламга олинди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг энг жасур саркардалари кимлар эди?

Соҳибқирон Амир Темурнинг ёнида ҳамсаф ва унга муҳолиф сифатида курашган саркардаларнинг сон-саногини йўқ. Лекин кўзга кўринган саркардалар ҳақида машҳур тарихчилар Ғиёсиддин Алининг "Ҳиндистон ғазовоти кундалиги", Низомиддин Шомий-

нинг "Зафарнома" ва Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" номли китобларида озми-кўпми маълумотлар келтирилган. Бево-сита саркардалар мавзусига ўтишдан олдин, умуман, жангларда кураги ерга тегмаган Соҳибқирон заковатини, Турон салтанатининг

ҳарбий салоҳиятини англамоқ учун Амир Темур зукколик билан барпо этган, бошқарган, дунёда енгилан нима билмаган ғолиб ва музаффар Турон лашкари тартиб-ботини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

5 →

"ОБУНА — 2020"



Келгуси йил учун обуна бошланди!

Азиз юртдошлар, "HURRIYAT" га ошно юраклар — албатта обуна бўлинг. "Ўзбекистон почтаси" АЖ ва "Матбуот тарқатувчи" АК филиаллари ҳамда соҳага тааллуқли бошқа корхоналар орқали обунани расмийлаштиришингиз мумкин.

Нашр индекси: 233.

Муносабат

Куни кеча Президентимизнинг Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори она тилимизга юксак ҳурмат рамзи бўлди.

Тилга ҳурмат — миллатга ҳурмат

Она тилимизга эътибор доимий бўлиш керак ва уни бойитиб бориш, тилимиз табиятига ёт хусусиятларнинг кириб қолишига йўл қўймаслик барчамизнинг бурчимиздир.

Биз тилимизни ардоқлашни, эъозлашни энг аввало, Ҳазрат Навоидан ўрганамиз, десак хато қилмаймиз.

Сўзининг ҳар мисқоли кадрланмаса, Сўз тежаб-тергаб ишлатилмаса, ўз кучини йўқотади — жонсиз бўлиб қолади.

Журналист суриштируви

Райхон Мусурмонова билан у бизга мурожаат қилгач, танишдик. Муомалали, фикрлаш қобилияти жойида. Аммо... У 2011 йил 15 августда Қоровулбозор туман ИИБ кўрсатмаси ва туман марказий поликлиникаси ходимлари "ташаббуси" билан Бухоро вилоят руҳий-асаб касалликлари диспансерига мажбурий тартибда ётқизилган.

Ёлғиз аёлга зуғум

Аслида Райхон Мусурмонова ким? Нега уни руҳий касалликлар шифохонасига ётқизишган эди? Райхон Мусурмонова 1968 йили Яқкабоғ туманидаги А.Темур номи ширкат ҳужалигида туғилган.

Р.Мусурмонова тақдим қилган ҳужжатлар билан танишдик. Умрида бирон мартаба руҳий хасталик билан даволанмаган ҳамда психиатр, нарколог назоратида ёки шифокорлар тили билан айтганда, "Д" рўйхатига олинмаган Р.Мусурмоновани халқ посбони бўлмиш Ф.Шодиев нега жиннига чиқарди? Бунга унинг асоси бормиди?

Қилиш мумкин, деган гап-сўзларни. Шундан жуда кўрқдим... Кўшним Жўра бобо (ҳозирда марҳум) мени кўргани келди. Даволанчи врач Людмила Файзуллаева Жўра бобого: "Маҳаллангиздан маълумотнома олиб келсангиз, Райхон Мусурмоновага жавоб берамиз, бу бизнинг касаллигимиз эмас", деди. Ўзим эшитдим...

— Югур-югурлардан чарчаб, илк бор 2006 йилда Биринчи Президентимизга мурожаатнома ёзгандим, — дейди у. — Шундан сўнг, Қоровулбозор туман ҳокимлиги, "Чўлуқвар" МФЙ хашар ўймай билан 2 та хонадан иборат уй тиклаб беришди.

Яна юқоридаги суд ажримига мурожаат қилсам: "Уша кун, яъни 2011 йил 31 июль кечкурун Қоровулбозор шаҳридаги "Бахт" тўйхонасида танишим Ҳурмат опанинг ўғли Шерзод уйланаётганлиги муносабати билан тўйда эдим. Феруз Фахруров исми фуқаро келиб ташқарида мени кимдир сўраётганлигини айтди. Тўйхонадан чиқсам Р.Мусурмонова бақир-чақир қилиб: "Мени Рухсат опага "ёзувчи" деб айтибсан, дея кўнчилик олдиди ҳақоратлаб, устингдан ёзмам, ишдан олдираман деб дўк-пўписа қилди", дейди Ф.Шодиев суддаги ўз кўрсатмасида.

Жўра бобо эртаси кун яна диспансерга келди: "Райхон, хафа бўлма кизим, маҳалла райиси "справка" бермади. Шунга айтгани келгандим. Аммо йўлда танишим Ашурни кўрдим. У сенга нисбатан ҳақсизлик бўлганини, сени чиқариб олишини айтди, деб кўнчилигимни кўтарди, — дейди Райхон опа. — Биласизми, ҳавонинг иссиғиди, йўлқира тўлаб, савоб учун икки кун Қоровулбозор — Бухоро йўлларида юрган Жўра бобонинг нияти ҳоли экан, салкам 10 йил кўрмаган бир таниши Ашур акани бекатда тасофиҳан учратишди. Ашур ака "тихта" ёзиб мени 10-кун диспансердан олиб чиқди. Бирок ҳужжатларда мен гўёки 24 кун руҳий-асаб касалликлари шифохонасида даволанганимман...

— Мен участка инспекторини тўйхонада эмас, кулпа-кундузи кўчада кўрганман. Кўшилларим гувоҳ. Тан оламан, Фаёз Шодиевнинг галати ҳаракатларидан, ҳийласидан кўрқиб туман прокуратурасига мени иғвогар, ёзувчи деганлиги учун ариза ёзганман. Аммо туман прокуратураси аризамни рад этди. Ф.Шодиевнинг ёнени олди, — деди...

Бундан қарангки, жиноят ишлари бўйича Қоровулбозор туман суди судьяси Ф.Турсунов Р.Мусурмоновага участка нозирига тўхмат қилганлик айбини қўяди. Унга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддасини қўлаб, жарима қўлайди. Сўнгра гўё раҳмдиллик қилиб, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 21-моддасини қўлаб, маъмурий жавобгарликдан озод этди. Бу ҳол оддий бир бечора аёл устидан тумандаги ҳуқуқ идоралари вакилларининг ожиз инсонни масҳара қилгандек тасаввурни уйғотмайдими?!

Бухоро вилоят руҳий-асаб касалликлари диспансери беш врачига 2019 йил 2 июлда ёзма равишда мурожаат қилдик. Натияжада: "Сизнинг 2019 йил 2 июлдаги хатингизга асосан ушбуни маълум қилмадикким, 1968 йилда Қашқадарё вилояти Яқкабоғ туманида туғилган, Қоровулбозор тумани Бахт кўчаси, 60-уйда яшовчи Мусурмонова Райхон яшаш жойи масаласида турли ташкилотларга шикоят аризалари ёзиши, мурасасизлиги сабабли (?) Қоровулбозор тумани тиббий ётиб беришмаси врач-психиатри А.Содиқов йўлланмаси билан Қоровулбозор туман ИИБ ходими Ф.Шодиев томонидан келтирилган, вилоят руҳий-асаб касалликлар диспансери га 2011 йил 15 августдан 2011 йил 9 сентябргача "Остроя ситуация реакция" ташхиси билан даволаниб, яшаш жойига жавоб берилган", касалхона бош врач Г.Иващенко имзоси остида, 2019 йил 3 июлдаги 01/1103-сон билан рўйхатга олинган", деган жавоб хатини олдик.

Одамлар тўй қилади, туғилган кунини нишонлайди, оиласи билан турли байрамларни дасрухон атрофида ўтириб байрам қилади. Мен эса бир ўзим ўз қулмада ёлғизман, — дейди у йилга. Сўнг кўз ёшларини артиб, арз-ҳолини давом эттиради: — Ҳаммаси мана бундай бошланди: 2011 йил 31 июль кунини кўшим Рухсат опанинг уйдан қайтаётганимда участка нозир Фаёз Шодиев мени кўриб, хонадан эгаси Рухсат Раззоқовага: "Бу иғвогар, ёзувчининг нега унингизга киритдингиз, сиз ҳам унинг изидан борманг, — деганида, Рухсат опа: "Райхон ёлғиз аёл, бағрига байрам татайиладиган бечора. Азбаройи зериканидан келади, суҳбатлашиб, дилини ёзиб кетади. Ёмонлиги ўтмайди. Мен ёш бола эмасманки, унинг йўл-йўриги билан юрсам!" — деди. Аммо участка нозирининг юқоридаги гапи менга алам қилди, оғир ботди. Ҳуқуқимни ҳимоя қилишларини сўраб судга мурожаат қилдим. Қоровулбозор туман суди билинида судья Ф.Турсунов раислигида ўтказилган очик суд мажлисида участка нозир Ф.Шодиев айтганидан тонди. Лекин барибир, суд жараёнида мени "руҳий хаста бўлиб", деди. Ички ишлар ходимининг юзсизлигиндан ажабландим.

Шу орада, улар мени яна вилоят руҳий-асаб касалликлари касалхонасига жўнатилганини эшитиб қолдим, дарров тутинган опам Майсара Каримовага кўнгирак қилдим. Идорада участка инспектори Хаёт Икромовга қолган эди. Бошқалари кетишганди. (Райхон Мусурмонованинг бу сўзларини М.Каримова ёзма равишда тасдиқлади. Ш.Н.).

Шу орада, улар мени яна вилоят руҳий-асаб касалликлари касалхонасига жўнатилганини эшитиб қолдим, дарров тутинган опам Майсара Каримовага кўнгирак қилдим. Идорада участка инспектори Хаёт Икромовга қолган эди. Бошқалари кетишганди. (Райхон Мусурмонованинг бу сўзларини М.Каримова ёзма равишда тасдиқлади. Ш.Н.).

айтганда, томорқангизга қўшининг товуғи ўтса ҳам асабингиз бузилиши мумкин. Бу албатта, мутахассислар ҳулосаси. Бирок Райхон Мусурмонованинг соғлиғида стресс ҳолати кузатилган ҳам дейлик, аммо у ҳолда ҚВПда ёки оддий поликлиникада тинчлантирувчи муолажа қилинса бўлмасмиди?!

Тиббиёт қондаси бўйича Р.Мусурмоновада касаллик аломати кузатиладиган унинг яқин қариндошлари розилиги ва ташаббуси билан тиббий кўриқдан ўтказилиши, агар яқинлари бўлмаса ёлғизлиги инобатга олиниб, МФЙ райиси ва жамоатчилигининг туман тиббий ётиб беришмасига ёзма равишда мурожаати билан амалга оширилиши, дастлаб неврология диспансерида ётқизирилиб, тест қилиниб 3 кун муддат ичида мутахассис шифокорлар жалб этилган ҳолда, консилиум қилинган, аниқланган касаллик асосида талаб қилинадиган шифохона ёки муассасага жойлаштирилиши кераклигини наҳотки психиатр А.Содиқов билмасми?!

— Йўқ. А.Содиқов биларди. Шунинг учун бошқа туманга ишини ўзгартирган бўлса керак, — дейди Райхон Мусурмонова. А.Содиқов билан у ҳозирги кунда ишлаётган Вобектуман тиббиёт бирлашмасида учрашдик. Сўхбат асосида бизга туман ҳокими И.Муродовнинг (у киши шифокор бўлмаса, нима ҳақи бор?) махсус герблик бланкасидаги имзосиз, лекин Р.Мусурмонованинг номи мени қораловчи фикрлар билдирилган хатни ҳамда "Чўлуқвар" МФЙ йигини райиси У.Хайриев номидан худди шу мазмунда имзоланган тавсифномани ва ўзининг номига Р.Мусурмонованинг тилидан ёзилган тилхатларни кўрсатди. Билдикки, бу аёлни у хали ҳам "жинни" деган фикрдан қайтмаган.

Бизни эса таажублантиргани бошқа нарса: яъники, ҳеч бир мутахассис шифокорга махсус текширувларсиз қиларинингидир, майли ким бўлса ҳам-да, тиббиёт соҳасининг вакили бўлмаган маҳалла райиси ёки тумандаги бирор та раҳбарнинг (балки бу ёзувлар сохтадир. Ш.Н.) ёзувини пеш қилиб, инсонни руҳий касал, ҳалқона айтганда "жинни" деб топшига ҳуқуқ берилмаган-ку?!

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги воқеалар, гап-сўзларга қарийб етти йилдан кўнроқ вақт бўлган. Аммо... Воқеалар ривож яна давом этмаганида, тўғрисида давом эттирилмаганида Райхон Мусурмонова таҳририятимизга эхтимол шикоят қилмаган, биз ҳам ушбу журналистик суриштирувимизни ўтказмаган бўлармиким.

— Шу йилнинг 5-6 март кунлари кучли ёмғир ёғиши натияжасида уйимдан чатқан ўттин учун уни таъмирлашда ёрдам сўраб, дастлаб туман ҳокими, сўнг туман хотин-қизлар кўмитаси райиси Ш.Юлдашевага бордим, сўнг вилоят ҳокими ўринбосари Ф.Ибрагимовга мурожаат қилдим. Натияжа бўлмагач, 9 март кунини вилоят ҳокими У.Барноевнинг Қоровулбозор туман аҳолиси билан сайёр қабули борлигини, қабул тумандаги Муслиқа ва санъат мактабиде режаллаштирилганини эшитдим.

Вилоят ҳокимининг келишини кутиб тургандим, Қоровулбозор туман ИИБ бошлиғи ўринбосари Эшон Тўраев, участка инспектори Хаёт Икромов, ходимлар Рустам Қўлдошев, Жаҳонгир Очиловлар мени кўриб, у ердан кетишимни айтишди. Мен кўнмагач, мажбуран участка инспекторининг "Матиз" русумли машинисига ўтқазиб, "Чўлуқвар" МФЙга олиб келишди. Шу орада, улар мени яна вилоят руҳий-асаб касалликлари касалхонасига жўнатилганини эшитиб қолдим, дарров тутинган опам Майсара Каримовага кўнгирак қилдим. Идорада участка инспектори Хаёт Икромовга қолган эди. Бошқалари кетишганди. (Райхон Мусурмонованинг бу сўзларини М.Каримова ёзма равишда тасдиқлади. Ш.Н.).

римова ёзма равишда тасдиқлади. Ш.Н.). Х.Икромов Бухородан қақирилган "Тез ёрдам" машинасини кутиб тургани, — дейди Р.Мусурмонова.

Туман марказий поликлиникаси врачлари Э.Қаракуллова ва психиатр врач Азамат Холовлар "йўлланма" беришмагач, "Тез ёрдам" машинаси Бухорога "қурук" қайтди.

Сабабини билиш ҳамда Бухородан "Тез тиббий ёрдам" машинаси борган-бормаганлигини аниқлаш мақсадида "103" Тез тиббий ёрдам станцияси" бошлиғига учрашдик ва бўлим бошлиғи Д.Қосимова имзоси билан 26.07.2019 йилда ёзилган қуйидаги тартибда маълумотномани олдик:

"Ушбуни ёзиб маълум қиламанки, психоневрология бригадига 9.03.2019 йил Қоровулбозор туманига қақирққа боришган. Соат 12-30 дан 15-30 гача. Врач Ж.Шарипов ва фельдшер Д.Бозорова томонидан 1968 йилда туғилган бемор Мусурмонова Райхон кўздан кечирилган ва "Умумий невроз. Истерик тип" ташхиси қўйилган ва ҳеч қандай руҳий ўзгаришлари кўрмагач, яшаш жойида қолдирилган".

Шу ерда яна бир ақл бовар қилмас ҳолатга дуч келдик... Негадир 2019 йил 9 март кунини "Тез тиббий ёрдам станциясига" қақирқ Р.Мусурмонова номидан берилган. Даволанувчи "бемор"нинг ўзи ҳам — Р.Мусурмонова. Аслида эса маълум бўлишича, "Тез тиббий ёрдамга" эркак киши кўнгирак қилган, лекин негадир ўз исми, фамилиясини сир тутган... Кўрсатилган телефон рақами ўчириб қўйилган... Биз бунини станциянинг 23-сонли қақирқ картасига назар солганимизда аниқладик. Шундан сўнг Р.Мусурмонованинг Қоровулбозор туман ИИБ ходимларининг "ҳийла-си қўп" деганига ишонмасдан иложимиз қолмади.

Бундан кўринадики, вилоят ҳокими қабулига ўз дардини айтиш учун борган Райхон Мусурмонова, вилоят руҳий касалликлар диспансерига кўнгирак қилиб, "Мени олиб кетинглар", деган экан-да?!

Албатта, ушбу кўнгирак ҳаракатларини содир этганларни тегишли ҳуқуқ тартибот идоралари аниқлаши ва айбдорларга ўз муносабатини билдириши зарур деб ҳисоблаймиз. Қолаверса, 120 қақирқ йўл босган автомашина давлатга қанча зиён етказди? Автомашинанинг ўша кунги ҳаражати кимнинг зиммасида? Солиқдан тийинлаб йилга ётган бюджет маблағлари ҳавога совурилатганига аниқ далил эмасми бу?!

— Бечора аёлга бунчалик зуғум қилиш адолатдан эмас! Райхон чўрткесар. Ҳақ талашади. У ўзи учун ўзи курашапти. Мен соғ инсонларни касал қилиш учун эмас, балки беморлар умрига-умр қўшиш учун ўқиганман. Психиатр, нарколог рўйхатига турмаганга қандай "направления" берай. Мендан туман ИИБга қарашли участка инспектори талаб қилди, лекин кўнмадим. Чунки Худодан кўркаман, — дейди, Э.Қаракуллова биз билан сўхбатда.

— Мен ҳам шу фикрдаман. Бизда рўйхатда турмайдими, йўлланма беролмайми, — деди туман марказий поликлиникаси психиатр врач А.Холов. (Ҳар иккала шифокорлар фикри аудио ёзувида мавжуд Ш.Н.).

Кўнглимиздан беихтиёр шундай ўй келди: қизик, 2011 йилдан буён ёлғиз аёл Р.Мусурмонова билан даханаки "жан"га киришган туман мутасаддиларининг бошқа қиладиган иши қолмаганми?!

Шифокорлардан сўнг, туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитасининг янги райиси Шохноза Раҳмонова билан учрашдик. У киши иш бошлаганига икки кун бўлгани, бу низолардан мутлақо беҳабар эканига қарамай бизга амалий ёрдам кўрсатди. Туман ИИБ бошлиғига кўнгирак қилиб Р.Мусурмонованинг шикоят аризалида исми кўрсатилган ходимлар

билан учрашиш учун имконият яратиб берганидан хурсанд бўлдик. Туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раисининг ҳузурини туман ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари подполковник Эшон Тўраев, ўринбосари подполковник Санжар Ҳайитов, участка инспектори Хаёт Икромов ҳамда "Чўлуқвар" МФЙнинг янги райиси Акрам Жабборовлар билан учрашдик. Сўхбат асосида ИИБ ходимлари Р.Мусурмонова ҳақида бирор-бир жўяли ижобий фикр билдиришмади. Участка инспектори Х.Икромов: "Райхонни врач Қаракуллова силлапта-да", деди ҳолос.

Лекин ўша куннинг эртасигаёқ туман ҳокимлигининг ёрдами билан Райхон опага "Артель" русумли газ плитаси берилиб, ҳолидан хабар олинди. 4-сектор бошлиғи томонидан озиқ-овқат, шакар ва дори-дармон махсуслотлари етказилибди ҳамда унинг таъмирлашга киришилганини эшитиб хурсанд бўлдик.

Райхон Мусурмонованинг ҳақ-ҳуқуқини талаб қилувчи, юзингизнинг демаслиги, чўрткесарлигига бизнинг қувавимизча қайсидир бир жихатдан, аввало, унга нисбатан маҳаллий идораларнинг салбий муносабати таъсири борга ўхшайди. Участка инспекторининг, керак бўлса, унга панада туриб бу юмушни топшираётганларнинг ноҳилис муносабати билан соғ аёлни жиннига чиқариб, руҳий хасталар даволанмаган диспансерига тиқиб, ҳўрлашини асло оқлаб бўлмайди.

Агарда ўша кун шифокор Э.Қаракуллова ва А.Холовлар ҳам ИИБ ходимларига ён берганларида борми, Р.Мусурмонованинг кейинги ҳаёти қандай кечарди?.. Тасаввур қилиш қийин эмас. Билганимиз, хали ҳам бечора аёл яшаётган унинг сувоғи қилинмабди, таъмирланмабди. "Ёмғир ёғса томдан ўтадиган чаккидан уй ичида ўрдак боқса бўладиган сув йиғилади", дейди Райхон Мусурмонова.

Бугун юртимизда нечоғли улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Мамлакатимиз раҳбари томонидан минг-минглаб бева-бечора, кам таъминланган фуқаролар ва ногиронларга янги ўй-жойларнинг қалитлари топширилапти. Мақсад — одамларни рози қилиш. Қийналиб яшаётганларнинг ҳолидан хабар олиш.

Тарихи минг йилларга бориб тақаладиган Бухорода ҳам кўп эзгу ишлар рўёбга чиқарилаётганидан кўз юмиб бўлмайди, албатта. Нетаассуфки, вилоятнинг Қоровулбозор тумани мутасаддилари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари, туман фаолларига юқоридаги ишлар ярашадими?!

Юртимизда аёллар ҳақ-ҳуқуқига оид қўшимча қонунлар қабул қилинмоқда. Нима бўлганда ҳам ёлғиз бечора аёлнинг ҳақ-ҳуқуқини бу даражада камситиш нафақат қонунларимизга, ҳеч бир инсонийликка ҳам тўғри келмайди.

Дарвоқе, ўзининг азбаройи руҳий хаста эмаслигини исботлаш учун Райхон Мусурмонова вилоят, республика соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаат қилишига мажбур бўлди. Қўлимизга қуйидаги маълумотномани тутқазди. У вилоят руҳий-асаб касалликлари диспансери мудири Л.С.Ҳамдамова ва врач психиатр А.Ж.Рўзаевлар томонидан 2019 йил 24 сентябрда №1493-сон билан берилган бўлиб, қайд этилишича, Райхон Мусурмонова Бухоро вилоят руҳий-асаб касалликлари диспансери рўйхатида турмайди.

Ҳаётда нималар бўлмайди! Туман мутасаддилари икки хонадан иборат уйини таъмирлашга қўмак сўраган ночор аёлга ёрдам бериш, уни юпатиш ўрнига тухмат уюштириб, жинниҳонага тиқилари... Шу ҳам инсофданми?!

Шавкат НОСИРОВ, "Hurriyat" мухбири.

Соҳибқирон Амир Темурнинг

Энг жасур саркардалари кимлар эди?

Тарихий манбалар гувоҳлик беради: Олтин Ўрда хони Тўхтамышхон (1391, 1395) ва Усмонлилар подшоҳи Йилдирим Боязид билан (1402) бўлган замонанинг катта урушларида Турон салтанати лашкари қуйидаги тартибда жанглар олиб борган:

1. Хировулнинг хировули – (илгор қисм, авангард) – олти фавждан иборат;
2. Катта хировул – (авангард, илгор черик);
3. Чап қанот қоровули;
4. Ўнг қанот қоровули;
5. Шиковул хировули (чап томон – арьергарднинг авангарди) – олти фавждан иборат;
6. Чоповул хировули (ўнг томон – авандозлар қўшини) – олти фавждан иборат;
7. Шиковул – (чап қанот арьергарди) – олти қўшиндан иборат;
8. Чоповул – (ўнг қанот арьергарди) – олти қўшиндан иборат;
9. Жапонгор хировули (чап) – олти қўшиндан иборат;
10. Баронгор хировули (ўнг) – олти қўшиндан иборат;
11. Кариндошлар лашкари – олти фавждан иборат;
12. Амризодалар (ўғиллар) лашкари – олти фавждан иборат;
13. Қалти – Марказ;
14. Йигирма саккиз аймок қўшини – 28 фавждан ташкил толади.

Булардан ташқари, уруш майдони вазиати, жанг қўлами ва душман аскарлари қўғи, салмоғи, кучини ҳисобга олган ҳолда “**Ун икки минг отликдан иборат ўн тўртта зафарли сипоҳ фавжлари**” сафларига ҳам тартиб берилади ва жангларда қўлланади. Уларнинг ҳар бирида турган неча фавждардан иборат чақмоққаддам қоровул, хировул, жапонгор, баронгор қўшинлари ҳаракат қилади.

Тасаввуримизни яна ҳам кенгайтириш учун Соҳибқирон Амир Темур тарих майдонига кириб келган вақтда ва ундан кейин узок йиллар Турон замининда майдонларда от сурган айрим саркарда, қўшин беклари ҳамда арбоблар номларини эслаб ўтиш ўринли. Эйтиб бериш: Амир Баён-сулдуз, Амир Кайхусрав, Амир Хусайн, Ҳожи-барлос, Улжайту-опардий, Боязид-жалойир, Зиндачашм-опардий, Махмудшоҳ Бухорий, Туғлуғ-сулдуз, Баҳром-жалойир, Хизр Ясурий, Тагай Буға-барлос, Шер Баҳром, Сиддик-барлос, Менгли Буға, Тамука-қавчин, Амир Мусо, Пўлод Буға, Туғлуғ-хўжа, Шингум-баходир, Туман-ниқударий, Амир Муайяд-арлот, Жалолиддин-барлос, Сулаймон-барлос, Шайх Муҳаммад Баён-сулдуз, Амир Сарйбуға, Одилош-жалойир, Тобон-баходир, Ок Буға-баходир, Хусайн-баходир, Малик-баходир, Дуррака-баходир, Ок Темур-баходир, Махмуд Баҳрот-хожа, Али Ясурий, Хиндушоҳ Қарқара, Арғуншоҳ Бурдалиғий, Шайх Али-баходир, Мурод-барлос, Хожа Шайхзода, Муҳаммад Мирак, Шамсиддин Аббос, Сиддик Тобон, Султон Санжар, Худойдоди Хусайний... ва ҳоказо. Шуларнинг ўзи кирк олпата. Булар хали ҳаммаси эмас, албатта.

АСКАР ФАҚАТГИНА АСКАР ЭМАС, САРКАРДА ФАҚАТ САРКАРДА ЭМАС...

Ҳа, Амир Темур салтанатида аскар фақатгина аскар эмас, саркарда фақат саркарда эмас эди. Катта майдонларда жанг қилар экан, олдиларидан катта сой, ё ўрмон, ё ўр-нақир чиқиб қолса, аскарлар дарҳол қурувчиларга айланишар, қўлларидаги қурол ўрнига, елкадаги жанг халтасидан болта, теша, арра ва ҳоказо қурилиш анжомларини (улар доим халтада бўлади) олиб ишга тушиб кетишар, сойга кўприк боғлашар (Хиндистонда Синд дарёсига, Амударё, Ҳўжанд дарёларига қисқа мuddатда кўприк қурганларидайи), чакалакзор ўрмонларда (Мозандаронда бўлгани каби) йўллар очишар эди. Саркарда фақат саркарда эмас, у айни бир пайтнинг ўзиде Соҳибқирон ишончини қозонган, давлат арбоби, амир ул-умаро, вазир, юртни бошқара оладиган ҳоким, мохир дипломат, сўзамол элчи, унинг оёғу эйтиб беришига муносиб салтанатнинг, халқнинг оғирини енгил қиладиган, қайси вазифага қўйилса адо этишга қодир қамолга етган инсонлардир. Улар Ватанимиз тарихида беминнат юртга, халққа катта хизмат қилганлари билан кадрли ва ёъозлидирлар.

Хиндистон муҳорабасига бораётиб Соҳибқирон йўлда Нағар деган қалъани яна ҳам яхшироқ қуришларини буюради. Юртга қайтаётганда кўрадики, шу ерда шарқираб ётган “суий асру зебо ва латиф” ажойиб булоқ қалъадан ташқарида қолиб кетибди. Бундан кўнгли тўлмаган Соҳибқирон, Ватанга шошиб турганига қарамай, дарҳол: “**Қалъани улгурок қилсунлар, андоққим, булоқ қалъа ичида киргай!**” деб амр этади. Ўзи иш бошида туриб назорат қилади. Уч кун бутун қўшин катта-ю кичик меҳнатга машғул бўлади. Шарафиддин Али Яздий хайратга тушиб “Зафарнома”да: Соҳибқирон “... андоқ жаҳд қилдиким, беклар ўзлари гишт ва балчиқ ташидилар...” деб ёзади.

Соҳибқирон ҳаётида кирк беш йил давомида унинг ёнида турган, унга бағазар, садоқат билан қараган фидойи амирлар ҳақида алоҳида тўхталмоқ жоиз. Бу саркардалар Турон салтанати шон-шухрати йўлида ўз жонларини фидо қилишга ҳамиша тайёр турган кишилардир. Уларнинг нияти – юртни обод этиш, ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш ва Ҳазрат Соҳибқиронга сидқидилдан хизмат кўрсатишдан иборат.

Амир Темурнинг энг яқин саркарда сафдошлари таърифиға ўтаммиз.

АМИР ЖОКУ — БАРЛОС

Ана шундай садоқатли, оқибатли инсон мақомига эга. Қўрқмас ва Ботир жангчи, унинг тўлиқ исми Жокубек ибн Муборак ибн Тўғон ибн Қодон ибн Шаръа ибн Қарочор нўён (туғ.й.тахм. 1316 – ваф. 1384) — барлос уруғининг хурматга сазовор, йирик, нуфузли бекларидан. Амир Темурга хеш-ақрабо бўлади, Соҳибқирон сафдоши ва қайинотаси, яқин кишиси. 1355 йилда Амир Темур унинг қизи Турмиш-оқага уйлانган, улардан туғилган ўғил Жаҳонгир Мирзо кейин валиҳад ҳисобланган эди. 1360 йил охириларида, Темурбекнинг тарих майдонига кириб келган дастлабки йили, Туронлик амирлар ўртасида ўзаро жанглардан бирида йигирма тўрт ёшлик Темурбек қўшини кимнингдир игвосига учиб, қараб, навкарлар душман томонга ўтиб кетади. Ушунда Темурбек ёнида ёлғиз Жокубек-барлосгина садоқат кўргизиб қолган эди. Бу садоқат умрининг охиригача давом этди.

1362 йилда бир гуруҳ барлослар — Сулаймон-барлос, Жалолиддин-барлос, Хиндука-барлос, Сиддик-барлос, Мурод-барлос, Тагай Буға-барлос, тойживут умоғидан Мусабек(Амир Мусо)лар Жета ҳукмдорига бўйсуниниш истамай Соҳибқирон Арсафда(Сеистондаги чўл, хозирги Афғонистон ва Эрон чегарасида) эканида унинг хузурига келди. Уларни бошларини бириктириб келган ҳам садоқатли дўст Жокубек барлос эди.

1363 йилда Темурбекнинг кишиси 2000 га етди. Душман Жета чериги Кешини босиб олганди, Темурбек уч юз кишини ажратиб, Жокубек ва Сулаймон-барлосларга топшириб ҳарбий сир ишлатишни тайинлади: “Ҳар бир отлик ички Богдан шох олиб, отнинг икки ёнига боғласин, ундан кўтарилган чангғубор душман кўнглига кўркув солади!” Чиндан ҳам, душман жанубдан, Улуғ майдон томондан кўтарилган осмонни қоплаган баҳайбат чангғуборни кўриб ваҳимага тушиб кўрчиб жуфтаникни ростлаб қолади...”

1364 йилда Темурбек Илбёхожа-хон бошлик Жета чериги билан жанг қилиб музаффарият қозонди. Жокубек барлос ўша жангда катта шижоат кўрсатди. “Лой жанги”да иштирок этди. Шу йили Жокубек-барлос катта қўшин бошида Ҳўжандага жалайир элини забт этмоққа отланди.

Жокубек-барлос Хирот ҳукмдори Малик Хусайн Курт хузурига, икки мамлакат ўртасида муҳим аҳду шартни йўлга қўйиш ҳақида музокара қилиш учун элчи мақомида Хиротга борди.

Соҳибқирон давлат бошига келганда Жокубек-барлосга черик беги унвоми берилди(1370). У салтанатнинг илк амир ул-умароси бўлди. 1371 йилда катта қўшин бошида муҳолифатчи жангари Зиндачашм-опардийга қарши Шибиргонга жўнади. Сўнг унга муҳим вазифа топширилди — Кундуз, Боғлон, Кобул сингари бек-тартиб ва бесаранжом вилоятларга тинчлик индириш учун ҳоким этиб тайинланди.

1376 йилда Соҳибқирон шимолий сархадларни муҳофаза қилиш ниётида Урусхонга қарши черик йиғиб жўнашдан олдин Жокубек-барлосга пойтахти Фирдосмонанд Самарқандни идора қилишни топширди.



1383 йилда Мозандарон сари отланган Амир Темур Термиз гузариде Амударёга кўприк боғлаб ўтиб, Мурғоб дарёси бўйига эди. Кобулистон ҳокими Жокубек-барлос Ҳазратни зиёрат қилиб, муборак дийдорига мушарраф бўлди, музофотдаги вазиятдан батафсил сўйлаб бериб Соҳибқиронни мамнун этди ва унинг ижозати билан Кобулга қайтди. Эتيқоди мустаҳкам бу инсон доим салтанатнинг муҳим топшириқларини адо этарди.

АМИР САЙФИДДИН — НЕКУЗ

Амир Темурнинг ишончли сафдош ва яқин сирдош дўстларидан бири Амир Сайфиддин-некуздир(туғ.й.-тахм.1336 – ваф.1401). Уни Ҳожи Сайфиддин ҳам дейишадди; нукуз (никудар) қавмининг нуфузли вакили. Атоқли лашкарбози, мунажжим, билимдон, ўта маърифатли, қамтар бир киши. Фидойи инсон. Ёшлик йилларидан бошлаб Темурбек билан ҳамма ҳамқаддам, ҳамроҳ. 1363 йилда Хоразм ёқдан қайтаётган Темурбек, катта душман қувиб келадиганини кўриб, Амударёга от солди, унинг хотини Улжой Туркон-оқа ҳам мардона отини дарёга бурди! Ушунда орқада Амир Сайфиддин, дўстига садоқат кўргизиб, ҳам Темурбекка, ҳам Улжой-ойимга кўзқул бўлиб, қўриқлаб, душманлардан ҳимоя қилиб келган эди. Улар соғ-саломат дарёдан ўтиб оладилар.

Амир Сайфиддин Тошкент ёнида Чинос мазеида юз берган Лой жангида (1365) Темурбек қўшинининг сўл қаноти (жавонгор)да саваш қурган. 1366 йилда катта черик билан Амир Хусайн(Амир Мусо)лар Жета ҳукмдорига бўйсуниниш истамай Соҳибқирон Арсафда(Сеистондаги чўл, хозирги Афғонистон ва Эрон чегарасида) эканида унинг хузурига келди. Уларни бошларини бириктириб келган ҳам садоқатли дўст Жокубек барлос эди.

1363 йилда Темурбекнинг кишиси 2000 га етди. Душман Жета чериги Кешини босиб олганди, Темурбек уч юз кишини ажратиб, Жокубек ва Сулаймон-барлосларга топшириб ҳарбий сир ишлатишни тайинлади: “Ҳар бир отлик ички Богдан шох олиб, отнинг икки ёнига боғласин, ундан кўтарилган чангғубор душман кўнглига кўркув солади!” Чиндан ҳам, душман жанубдан, Улуғ майдон томондан кўтарилган осмонни қоплаган баҳайбат чангғуборни кўриб ваҳимага тушиб кўрчиб жуфтаникни ростлаб қолади...”

1364 йилда Темурбек Илбёхожа-хон бошлик Жета чериги билан жанг қилиб музаффарият қозонди. Жокубек барлос ўша жангда катта шижоат кўрсатди. “Лой жанги”да иштирок этди. Шу йили Жокубек-барлос катта қўшин бошида Ҳўжандага жалайир элини забт этмоққа отланди.

Жокубек-барлос Хирот ҳукмдори Малик Хусайн Курт хузурига, икки мамлакат ўртасида муҳим аҳду шартни йўлга қўйиш ҳақида музокара қилиш учун элчи мақомида Хиротга борди.

Соҳибқирон давлат бошига келганда Жокубек-барлосга черик беги унвоми берилди(1370). У салтанатнинг илк амир ул-умароси бўлди. 1371 йилда катта қўшин бошида муҳолифатчи жангари Зиндачашм-опардийга қарши Шибиргонга жўнади. Сўнг унга муҳим вазифа топширилди — Кундуз, Боғлон, Кобул сингари бек-тартиб ва бесаранжом вилоятларга тинчлик индириш учун ҳоким этиб тайинланди.

1376 йилда Соҳибқирон шимолий сархадларни муҳофаза қилиш ниётида Урусхонга қарши черик йиғиб жўнашдан олдин Жокубек-барлосга пойтахти Фирдосмонанд Самарқандни идора қилишни топширди.

1383 йилда Мозандарон сари отланган Амир Темур Термиз гузариде Амударёга кўприк боғлаб ўтиб, Мурғоб дарёси бўйига эди. Кобулистон ҳокими Жокубек-барлос Ҳазратни зиёрат қилиб, муборак дийдорига мушарраф бўлди, музофотдаги вазиятдан батафсил сўйлаб бериб Соҳибқиронни мамнун этди ва унинг ижозати билан Кобулга қайтди. Этиқоди мустаҳкам бу инсон доим салтанатнинг муҳим топшириқларини адо этарди.

1389 йил мартда Тўхтамышхон қўшини бостириб келадиганда, Соҳибқирон Умаршайх Мирзо ва Амир Сайфиддинга: “Хўжанд(Сирдарё)сига кўприк солинсу!” дея фармон қилди. Кўприк тез фурсатда қуриб битказилди. 1391 йилда Тўхтамышхон урушида Амир Сайфиддин Турон қўшини жавонгорини бошқарди. У мардоналик кўргизиб ҳаммадан бурун жангга кирди, қилч тортиб, душманини чопди. Бошқалар уявос солиб ундан кейин жангга отилдилар. Уруш галаба билан тугаган, Амир Сайфиддин яна уғруқни бошқарди ва шу йилнинг декабрь ойида Тошкентга келтирди. Юриш ўн бир ой давом этди. 1394 йилда Соҳибқирон Гуржистондаги Базтоз вилоятини забт этиш учун Амир Сайфиддинни бир жамоат беклар билан илгор жўнатди. Базтоз забт этилди. 1395 йил Тўхтамышхон жангида — Амир Сайфиддин қанбул(лашкарнинг бир қисми)да эди. Душманининг бир фирқаси унга ҳамла қилди. У дарҳол отдан тушиб қамони даста-деста қўл уриб, ганими мардона тирборон қилди. Душман кўпайишиб борарди. Амир Сайфиддин Худога тавakkal қилиб, ёвга қарши шундай шиддат билан ташландики, ундан ортинги тасаввур қилиш мумкин эмас! Тогдай сабот билан саваш қилаётганда Жаҳоншоҳ ибн Жокубекнинг томондан кириб, душманга мардона ҳамла қилди! Душманлар қочдилар. 1395 йилда Амир Сайфиддин Муҳаммад Султон лашкарига қўшилиб Шерозга отланди, лашкар Хурмузгача(Хинд океани соҳили) бориб қолди.

1396 йил 18 июль Аланчўк қалъасини забт этиш Амир Сайфиддинга топширилди. 1397 йилда Амир Сайфиддин валиҳад шахзода Муҳаммад Султонга маслаҳатчи ҳамроҳ бўлиб Мўғулистон сарҳадига жўнади, Ашпара шаҳрида бўлди, Худойдоди Хусайний, Шамсуддин Аббослар ҳам бирга эдилар. Буларнинг зиммасига Ашпара қалъаси атрофини девор билан мустаҳкамлаш, истеҳкомга айлантириш, хандақлар ёрдамда ихота қилиш вазифаси қўйилган. Шунингдек, Тароз ва Сайрам томонларда экинзорлар ташкил қилиб, долнар учун катта оморбороналар қуриш, отларга емлар гамлаш вазифаси юклатилган(Хитойга юриш тайёргарлиги кўрилаётганда).

Амир Сайфиддин доим Соҳибқирон ёнида жангчи, саркарда, мунажжим, элчи, маслаҳатчи, яқин сирдош дўст бўлиб хизмат қилган фидойи эзодир.

АББОС — БАХОДИР

Соҳибқирон хурматиға сазовор бўлган пахлавон йигитлардан бири садоқат ва илос соҳиби Аббос — баҳодир(туғ.й.тахм.1340-ваф.1387) кўзга кўринган лашкарбошилар сафидан жой олганди. Уни ўзаро муомалаларда Аббосбек, Аббос баҳодир-қипчоқ деб ҳам аташарди. Улимни писанд қилмайдиган, чакқон, жанговар йигит бўлганини айтадилар. Темурбек уни вазият ҳавосини олиш ниётида турли шаҳар ва вилоятларга жўнатарди. Унинг олиб кел-

ган қимматли маълумотлари Темурбекни мулоҳазаларга ундар, озоқлик йўлидаги курашда мустаҳкам бўлиш, адашмаслик, ёғий ҳавосини олиш ва тўғри йўлни танлашда катта ёрдам берарди. Унинг Турон юртида кезмаган жойи йўқ эди. 1365 йил “Лой жанги”да жон олиб, жон бериб саваш қурган.

ШАЙХ НУРИДДИН-БАХОДИР

Жалойир қавмининг нуфузли вакили Сари Буға-жалойир оиласида таваллуд топган. Амир Темур назарига тушган ёш мохир саркардалардан бири. У Амир Темур набираси Иброҳим Султон Мирзо ибн Шохрух Мирзонинг устози ва атқаси(отабеги). 1393 йилнинг 27 мартда Шероз яқинида Амир Темур ва Музаффарийлар сулоласи сўнги ҳукмдори жангари Шох Мансур аскарлари ўртасида кечган жангда ўз лашкари билан қатнашган. Ушбу муҳораба Шох Мансурнинг ҳалокати билан яқунланган, айни пайтда Музаффарийлар сулоласи ҳам тугатилган.

1394 йилнинг қишида Кўхистонни забт этган. 1395 йилнинг 28 февралда Соҳибқирон Амир Темур бундан тўрт йил аввал Кундузча дарёси бўйидаги жангда енгилган бўлишига қарамай ҳали тавбасига таянмаган Олтин Ўрда хони Тўхтамышхонга қарши Дарбанд сари юришга отланди. Терек дарёси бўйида кечган дахшатли жангда Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти қутилмаганда жиддий ҳавф остида қолган. Шу палла хайқирганча етиб келган Шайх Нуриддин дарҳол душмандан ўлжа олинган арваларни бир-бирига боғлаб кўргон қилди ва уларни Соҳибқиронни ҳимоялаш истеҳкомига айлантирди. Бошқа амирларни қорлаб, эллик нафар навқари билан найзаёйларни қўлга олиб, беомон душманни ўққа тутди! Шайх Нуриддин ва бошқа етиб келган амирларнинг садоқати, жасорати ва матонати туфайли Амир Темур ёв тажовуздан омон қолди. У Сарой-Беркани забт этиш жангарида иштирок этди.

Шайх Нуриддин 1396 йилда Форс вилоятинда ундирилган лозим бўлган солиқ ишларини изга солиш учун Шерозга юборилди. 1398 йилда Хиндистон юришида от сурди. Шу йилнинг 29 сентябрида ўз кўл остидаги лашкари билан Жамула дарёсидаги орол ҳокими Муборакшоҳнинг ўн минг кишилик қўшинини тор-мор қилди. 1399 йилнинг 10 январда Ганга дарёси бўйида Амир Темур подшо ўғруқни бошқаришни Шайх Нуриддинга топширди.

Мағриб сари қилинган етти йиллик юришда ҳам Шайх Нуриддин мардлик намуналарини кўрсатган. Шаҳида Соҳибқирон 1400 йилнинг декабрида Шайх Нуриддин, Севинчбек ва Шохмалликларни ўттиз минг жангича бош қилиб Дамашк томон жўнатган. Бағдод фатҳида (1401 йилнинг август ойи) Мироншоҳ Мирзо раҳбарлигидаги қўшинда саркардалардан бири сифатида қатнашган, жасорат кўргизиб шоту-нарвонлар ёрдамида биринчи бўлиб шаҳарнинг баланд деворига чиққан ва олқишларга сазовор бўлган.

Шайх Нуриддин Гуржистонда, Румда — Кемоҳ қамалида, Анқурия жангида, Бурсани олишда, мустаҳкам Измир шаҳрини забт этишда фаол қатнашди. Қаредра бўлмасин, у жонбозлик кўрсатиб ҳаракат қилди, Соҳибқирон ишончини оқлашга сидқидилдан тиришиб ҳақли равишда катта оёғу-эйтибор қозонди.

АМИР ШОҲМАЛИК

(Тахм. 1350 - ваф. 1426 й., 21 январь) Соҳибқирон Амир Темур унинг келажакда факуллодада арбоб, саркарда бўлишини зуққоларга ички шуур билан сезиб, меҳр билан тарбиялаган, ўстириб воёга етказган танлики саркарда ва арбоб. 1391 йилнинг 16 июлида Кундузча дарёси бўйида Тўхтамышхон аскарлари билан кечган жангда кўрсатган бемисл жасорати учун уни тархонлик унвоми билан тақдирлаш, айни пайтда унга парвоначи мансабини бериш ҳақида фармон эълон қилди. Озгина изох: тархонлик юксак унво ҳисобланади (тархон мўғулча: озо, маъносида) бу унвоини олган бахти чопган инсон саройида Амир Соҳибқирон хузурига хоҳлаган пайтда кира олиш ҳуқуқиға эгадур. Тўққизта гуноҳ қилмагунча, унинг ўзи ва фарзандлари сўроққа тутулмайду. Тегишли ўлжаси тақсим этилмайду, барча солиқлардан озодду...

Амир Темур уни 1393 йилда валиҳад Муҳаммад Султон сардорлигида Эроннинг олис Хурмуз вилоятини забт қилишга юборган. 1398 йил ёз ойларида Темурбек ҳукмиға асосан Хиндистонда Эрёб қалъасида масжидлар бунёд этишга тайинланган. 1398 йилнинг қиши бошланшида Хиндистондаги Понилап шаҳри яқинида Султон Махмудхон билан юз берган жангда қўшиннинг жавонгорини бошқарган, Мират(Мирт) қалъасини кўлга киритган. Олий фармонга кўра, 1401 йилнинг июнь ойида Шохрух Мирзо билан бирга ўғруққа бош бўлиб, Табриз томон йўл олган. Амир Темурнинг Мағрибга қилган етти йиллик юришда энг йирик саркардалардан бири сифатида ўта фаоллик кўрсатган. Румдаги Тартум қалъасини олти

кунда фатҳ этган саркардалар сафиде ўзининг ҳарбий маҳорати билан ярқ этиб кўзга ташланган. Анқурия жангида қўшин маркази (қўл)нинг илғори (манглай)дан жой эгаллаган. 1403 йилнинг бошида жануби-ғарбий Онадўлидаги Эгривир ва Насибин қалъаларини забт этишда матонат намуналарини аён этган. 1403 йилнинг 24 июлида Соҳибқироннинг олий фармонига биноан Гуржистондаги Картин қалъаси рўпарасида уч минг кишилик қалъани уч кунда бунёд этдирган... Амир Шохмалик Соҳибқирон Амир Темурни ниҳоятда ҳурмат қилар, ўзининг валинеъмати деб билар, бундан бениҳоя фахрланарди.

ЖАҲОНШОҲ ИБН ЖОКУ

Соҳибқирон Амир Темурнинг номдор саркардаларидан бири. Жокубек-барлоснинг ўғли. 1381 йилда Хиротни олган Амир Темур Жаҳоншоҳ ибн Жокубек қўшинининг илғор қисми(хировул; манглай)ға сардор қилиб Сабзаворга юборишни лозим топди. 1383 йилда эса олий райи уни ўн минг кишиға бош қилиб бузғунчи дуғлат амири Қамариддинни тутишга жўнатди. Соҳибқирон Жаҳоншоҳ ибн Жокубек шундай ҳукм қилди: “Қамариддин бошиға бориб жаҳд қилиб, қўлга туширгайсан!”

1384 йилда Соҳибқирон нотинч шаҳар Қандаҳорға юриш қилади. Бундан олдин Жаҳоншоҳ ибн Жокубек қалъани забт этишни тайинлайди. Саркарда буни аъло даражада адо этди ва қалъа доруғасини асир олиб, Соҳибқиронга юборди... Соҳибқирон Жаҳоншоҳ ибн Жокубекни кўп мактади, лутфлар қилди, уни черика бош қилиб Зобулистон вилоятиға қарашли осойишталиги йўқ Калот шаҳрига юборди. Жаҳоншоҳ ибн Жокубек бориб ул шаҳарни мушоаҳ қилди ва музаффару мансур Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур қўшиға қайтди...

1384 йилда отаси Жокубек-барлос вафот этгандан сўнг Амир Темур ҳукмиға кўра, Кобулистон вилояти отасининг мулки эканлиги эйтиборга олиниб, меросхўр сифатида унга хос мулк қилиб муҳрлаб берилди. Соҳибқирон набираси Пир Муҳаммад Мирзонинг энг кўзга кўринган беклари сафиде буй кўрсатган. Кундуз, Бағлон ва Кобул ҳокими лавозиминда фаолият олиб борган. Соҳибқироннинг деярли барча ҳарбий юришларида қатнашган, қўлга киритилган галабаларға катта ҳисса қўшган. 1395 йилги Тўхтамышхон урушида у Турон қўшинлари амир ул-умароси эди...

АМИР СУЛАЙМОНШОҲ

У Амир Довуд-дуғлат билан Соҳибқирон опаси Қўтлуғ Туркон-оқанин ўғли. Атоқли саркарда, улўбек. 1389 йилнинг бошида Амир Темурнинг Улжой Туркон-оқадан туғилган қизи Султон Бахт-бегимға уйлланган. Эронга қилинган уч йиллик юриш вақтида (1386—1388) Аббосбаходир билан Турон салтанати бошқарувиға масъул этилган, юртдан кўз-қулқ бўлиб туриш топширилган, Самарқандда қолган. 1389 йилда Туркистон вилояти забтиға юборилган. 1390 йилда Жетига жўнатилган йигирма минг кишилик қўшинга сардорлик қилган. 1391 йили Кундузчада Олтин Ўрда лашкари билан Турон қўшини ўртасида юз берган муҳорабада илгор қисм(хировул) кўмондир этиб тайинланган.

1397 йилнинг май ойида Хуросон вилояти Шохрух Мирзога топширилганда Амир Сулаймоншоҳнинг мирзо мулозаматида бўлиши белгиланган. Хиндистон (1398 — 1399), Эрон (1399), Шом (1400), Миср (1401), Гуржистон ва Бағдод (1401) ҳамда Рум вилояти (1402—1403)ға қилган ҳарбий юришларнинг фаол қатнашчиси. Анқурия жангида қўшиннинг ўнг қанотини бошқарган, Оқшаҳр ва Қораҳисорни забт этишда қатнашган, Қайсария ва Сивос ерларидан қора тоторларни бошқа жойға кўчириш ишига масъул этиб тайинланган. 1404 йилда Эроннинг Рай, Кум ва Кошон вилоятларини ҳамда Нур қалъасини Соҳибқирон набираси Рустам Мирзо билан бирга ишғол этган. Шу йилнинг апрелида Омул ҳокими Искандар Шайхий исбанини бостиришға юборилган. Ихлос ва фидойилик кўрсатгани учун Амир Темур олий фармонига биноан Рай, Рустамдор ва Ферузқўх ерлари унга бағишланган...

Амир Темурнинг фарзандлари Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо, Шохрух Мирзо, набиралари валиҳад Муҳаммад Султон, Пирмуҳаммад Мирзо, Абу Бақр Мирзо, Халил Султон, Рустам Мирзо, Умар Мирзо, Иброҳим Султон, Искандар Мирзолар ҳам ажойиб саркардалар эдилар, ҳарбий салоҳият уларнинг қонида гупириб турарди.

Юқориде номлари зикр этилган ва этилган саркардаларнинг омади, бахти шунда эдики, уларга дунёда тенги йўқ, Абулмузаффар Абулмансур Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон каби жаҳон тарихида кураги ерга тегмаган, енгилмас буюк лашкарбози билан ҳамнафас яшаб, Буюк жаҳонгирға шогирд бўлишдек шарафли мартаба насиб этган эди.

Муҳаммад АЛИ,<

Исмим айтсам, танисайди гиёҳлар

Шеърят

Ой нурида...

Ой нурида кашта тиккан чевар эдим,
Бир оламни, бир онамни севар эдим,
Кунчиқарга шўхи шодон боқиб-боқиб,
Елдай ўтса бу кунлар деб қўяр эдим.
Сўнг бўлиниб кетдим минг бир бўлақларга,
Умрим бердим зиёси йўқ фалақларга!
Кўкламларим, байрамларим қолиб кетди,
Хайратларим, хайронларим қолиб кетди,
Кўёшининг минг жилвасидан нусха олиб,
Гул солганим сизилларим қолиб кетди.
Сўнг бўлиниб кетдим минг бир бўлақларга,
Умрим бердим росту ёлгон ҳалақларга!
Қани менинг бутунлигим, бунёдигим,
Қани менинг қишин эзин ободлигим,
Эвоҳ дунё, бугдой дондай сочдинг мени,
Қани менинг ёруғ кундай пок зотлигим!?
Оҳ, бўлиниб кетдим минг бир бўлақларга,
Умрим бердим қумдан сароб тилақларга!?
Бир қуш бўлиб келган эдим боғларинга,
Учиб қўндим насту баланд тоғларингда,
Тарқамди осмонингда туманларинг,
Қояларга урилдим гул чоғларимда.
Эвоҳ, дунё бўлдинг минг бир бўлақларга,
Ошна қилдинг ҳаёси йўқ юракларга...

Сиздан

Сиздан менга нурлар келар осмон-осмон,
Юрагимда шодликларим хирмон-хирмон.
Ҳаётимнинг маъносини топгандайман,
Ишқ аҳлининг шаробидан тотгандайман.
Эй, қалбимнинг бу дунёда ёруғ куйи,
Балки сизни излаганим умрим бўйи,
Сизни кўрган рўёларни, ўлиб суйиб,
Тирикчилик дунёсидан ўтгандайман...
Пасту баланд кўчаларда зору сарсон,
Йўғлаб кетди мендан, қанча давру даврон,
Яшамасдан, бу кунларни кутгандайман!
Сизни кўрган лаҳзаларим афсонадур,
Исмингизнинг шуъласидан мастонадур,
(Менам дилдор, бир сўйладим Султонимга)
Икки дунё бу сўзларим ягонадур!
Сиздан менга нурлар келар осмон-осмон,
Юрагимда шодликларим хирмон-хирмон.
Ҳаётимнинг маъносини топгандайман,
Ишқ аҳлининг шаробидан тотгандайман...

Мен сента аталган шундай меваман,
Юрагимни ушат, ол бир сўзимни.
Матназар Абдулҳаким

Фаслар айланди
атрофимда жим,
Жим кетиб боради ойнанинг шарпаси
Келар йўлларинга
кўзимни тикдим.
Кўнглимни асради орзу ҳавасим.
Фурсатлар соғинди қадамларингни,
Бир менми адашган,
бир менми шошган...
Шамолларга сочдим

аламларимни,
Бир менми тунларнинг баҳридан кечган...
Бир асов дарёнинг тўлқинидирман,
Қисмат қирғоғига сизгайин тошдим,
Билмайман,
Кимман ва,
қандайин сирман
Нега ҳаёлинг кўнглимни очдим?..
Тонгининг соҳилига чиқдим сени деб,
Сени деб сочларим паришон бўлди,
Ҳанузам йўлларим интизор сенга,
Умидим шуъласи кел энди...
Курбат водийсида келган Сарварим,
Умр соҳилидан ёғдулар тердим,
Бир сенга аталган ҳаёт гулиман,
Юрагимни ушат ва бир сўз дегин!
Фурсатлар соғинди қадамларингни...

Нажотийга

Сен бир осмон учиб чиқсам,
Қанотларим куймаган,
Сен бир жаҳон кириб борсам,
Ифоринга тўймаган.
Мен бир шамола, бир нолакор,
Куну - тунлар тинмаган.
Мулки Султонига бориб,
Айтиб - айтиб йўлгаган.
Сен бир олам ўйласам ҳам,
Ҳаёларим яшнаган!
Сен бир Зухро, зулматларда
Ёғдусини тўшаган!
Мен бир тоғман ота бўлиб,
Йўлингдан тош кўчирган,
Онани бўлиб семурганнинг,
Кўксидан сут ичирган.
Сен бир зиё, бир нафасда,
Ҳаётимни ўзартган,
Сен бир гўё, битта сасда,
Вайронамни тузатган.
Мен бир сўзон, сенинг билан,
Қароликлар кетгайдир.
Гул умримнинг минг йил битмас,
Яролари битгайдир!
Сен бир дунё, теграсида
Шодликларим барқ урган,
Сарвиқаддимни тик тутсам,
Мағриб мағриқ тенг келган.
Мен бир ошқ, мен бир муҳтож,
Ҳанузам мубталодурман,
Сени берган Кўёшимга,
Ҳамдлар айтиб борадурман!
Сен осмон учиб борсам,
Қанотларим куймаган,
Мен бир шамола, мен нолакор,
Куйлаб-куйлаб тўймаган...

Эҳтимол ёдингда йўқдирман,
Умидинг,
Додингда йўқдирман...
Ҳаёлингда хасча маконим йўқдир,
Пойинга отилган чўғдирман!



Озода БЕКМУРОДОВА

Қаҳқор бахши Раҳимовга
Элим десам юрагимга нур кирар,
Томиримга осмон кирар, сир кирар.
Борлигимда бир илтижо ҳайқирар;
Элим десам икки дунё гуркирар!
О, билмайман бу қандайин табобат,
Тошин қучсам топгайдурман ҳаловат,
Олислардан соғинч тортиб келганда,
Кўксимдаги ғамлар эрур тоабат.
Шу тупроғнинг гулиман, гавҳариман,
Тоғларининг бошидаги зариман,
Кўк ишқидо учиб кетган қушману,
Кел деганда келадиган, бориман.
Шу борлиқнинг шамолга юз чайсам,
Шу кенгликнинг камолида улғайсам,
Исмим айтсам, танисайди гиёҳлар,
Исмин айтса, дунёларига ёйсам.
Юрагимга қувват керак ёронлар,
Менга синамас қанот керак ёронлар,
Элим десам, бизникисан десалар,
Менга шундай дастхат керак ёронлар!
Менга шундай нурхат керак ёронлар!

Озодаман

Камаладан рангин қуроғим,
Ҳазон эмас ҳеч бир яроғим.
Инсон эмас ишонган тоғим,
Ойзода мен, Озода менман.
Рухим оппоқ эзу байроғим,
Олис эмас ойдин йироғим,
Бир қарасам, етгай титроғим,
Ойзода мен, Озода менман.
Ишонаман тунлар сеҳрига,
Ёрим чиқар қисмат бағридан,
Ҳилпираймиз севги шаҳрида,
Озода мен, Ойзода менман.
Ёнар порлаб шамим чироғим,
Гулнинг яроғидан тароғим,
Муҳаббатдир ёлғиз яроғим.
Ойзода мен, Озода менман.

Дунёда нима гап?

ПРЕЗИДЕНТ ИШДАН ХАЙДАДИ. БОШ ВАЗИР УНИ ҚАЙТА ТИКЛАДИ

«Afghanistan.ru» хабарига кўра, Афғонистон президенти Муҳаммад Ашраф Ғани Ташқи ишлар вазирлиги матбуот котиби Сибгатулло Аҳмадийни Покистонга «Толибон» ҳаракати делегациясининг ташрифи ҳақидаги мулоҳаза билдиргани учун ишдан хайлади.



Аҳмадий ижтимоий тармоқдаги ўз хабарида Покистон ҳукумати амалга ошираётган сиёсат Афғонистонда тинчликни таъминлашга хизмат қилишини қайд этган.

Президент маъмурияти Покистонда «Толибон» ҳаракати делегациясининг қабул қилиниши дипломатик нормаларни бузиш эканини, ТИВ расмий вакилининг бунга берган шарҳи эса ҳукумат позициясини аниқлаштириши ва шахсий фикри эканини айтган.

Яқшанба куни давлат раҳбари Аҳмадийни ўз лавозимидан бўшатди ва унинг ўрнига Мирвайс Набини тайинлади.

7 октябрь куни эса Афғонистон бош вазири Абдулла Абдулла президент Ашраф Ғанининг ТИВ матбуот котиби Сибгатулло Аҳмадийнинг ишдан олиниши юзасидан чиқарган қарорини ўзгартирди.

«Сибгатулло Аҳмадий тинчлик жараёни ҳақида фикр билдирган вақтида мамлакат ташқи ишлар вазирлиги нукта-назарини ҳам кўзда тутган. Бундай даврда тайинлов ёки ишдан бўшатишни сайловлар натижалари маълум бўлганидан сўнг, амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Натижалар эълон қилинганга қадар улар ўз иш фаолиятини давом эттириверади. Ташқи сиёсат ва афғон ҳукуматининг бу борадаги позицияси масалалари алоҳида юқори даражадаги муҳокамалар ва ҳукумат билан келишув асосида ҳал этилади», — дейди бош вазир матбуот котиби.

ОЙЛИК МАОШИНИ ОШИРДИ



«ТАСС»нинг хабар беришича, Россия президенти Владимир Путин ўз ойлик маошини ошириш, шунингдек, ҳукумат бош вазирини муқофотлаш тўғрисидаги фармонни имзолади.

Унга кўра, иш ҳақлари 2019 йилнинг 1 октябридан 4,3 фоизга оширилди. Шунингдек, бир қатор идоралар раҳбарларининг ҳам иш ҳақлари оширилган.

Улар қаторидан Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Федерал хавфсизлик хизмати, Федерал қўриқлаш хизмати, «Росгвардия», Бош прокуратура, Тергов қўмитаси, Ташқи разведка хизмати ва Давлат ов хизмати ўрин олган.

БОШҚА ИШТИРОК ЭТМАЙДИ

«РИА Новости» хабарига кўра, расмий Вашингтон охири йўқ урушларда бошқа иштирок этмасликка қарор қилди. «Курдлар биз билан бирга жанг қилган, бироқ биз уларга қатта маблағ тўлаганмиз ва техника етказиб берганмиз.



Улар Туркия билан ўнлаб йиллар давомида урушиб келди. Баъзилари турли элатлар ўртасида бўлиб ўтадиган урушлардан чиқиб ва аскарларимизни уйга қайтариш вақти келди», — дея ёзув қолдирган. АҚШ президенти Дональд Трамп «Twitter»-идаги саҳифасида.

Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдоғон ва «Сурия демократик қучлари» (CDF) араб-курд отрядларининг АҚШ қўшинлари Сурия шимолидаги Туркия билан чегарадош ҳудудлардан чиқарилиши ҳақидаги хабарларига қўшма штатлар етакчиси шу тариқа муносабат билдирди. Трампнинг айтишича, энди Туркия, Европа, Сурия, Эрон, Ироқ, Россия ва курдлар ИШИД жангарилари билан нима қилишни ўзлари ҳал этади.

СУНЬИЙ ОРОЛДА АЭРОПОРТ



«Хайнань жибао» наشري хабар беришича, Хайнаньдаги Санья курорти раҳбарияти суньий орол устида аэропорт қуришни мўлжалламоқда. Орол Хунтанвань кўрфазида бунёд этилади. У шаҳардаги Феникс аэропортида

15 км. масофада жойлашади. Лойиха икки қисмдан: суньий орол ва аэропорт бунёд этилиши ҳамда транспорт инфраструктураси қурилиши. Орол Хайнань билан иккита параллел — автомобиль ва темир йўл кўприклари орқали боғланади. Уларнинг узунлиги 6 км.ни ташкил этади.

ПХЕНЬЯНГА НОРОЗИЛИК БИЛДИРДИ

Токё иқтисодий зонаси ҳудудида КХДРнинг балиқ овлайдиган кемаси Япония балиқ овлаш инспекцияси кемаси билан тўқнашиб кетиши муносабати билан Пхеньянга норозилик билдирди.



«Мазкур баёнот дипломатик каналлар орқали тарқатилди», деган сешанба куни Япония бош вазири Синдзо Абэ парламентдаги нутқида. «Шимолий Корея кемалари Япония иқтисодий зонасида ноқонуний балиқ овлаши мамлакат балиқчиларига халақит бериш билан бирга, уларнинг хавфсизлигига таҳдид ҳамдир. Бу жиҳдий муаммо бўлиб, ҳукумат бундай ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича қатъий чоралар кўради», дейди бош вазир.

Интернет хабарлари асосида А.СОДИКОВ тайёрлади.

Эълон

“Микрокредитбанк”- АТБ филиаллари иш фаолияти учун 44 дона компьютерлар жамланмаси ва 100 дона — (3 таси 1 да) принтерларини харид қилиш бўйича танлов эълон қилади.

Таклифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб, 5 (беш) иш куни ичида қабул қилинади. Техник топшириқ ва керакли ҳужжатларни куйидаги манзилдан олишингиз мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Чиланзар тумани, Лутфий кўчаси, 14-уй.
Мурожаат учун телефон: (+99871) 202-99-99 ички 1117

ОБЪЯВЛЕНИЯ

АКБ “Микрокредитбанк” обявляеет конкурс на покупку набор компьютеров 44 комплекта и принтеры три в одном 100 штук для работы филиалов.

Предложения принимаются в течение 5 рабочих дней с даты публикации. Техническое задание и необходимую документацию можно получить по следующему адресу.

Адрес: город Ташкент, Чиланзарский район, улица Лутфий, дом-14.
Обращаться по телефону: (+99871) 202-99-99 внут. 1117

Реклама ҳуқуқи асосида

Қилмиш

Жиноятга жазо муқаррар

Жорий йил 5 октябрь куни Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги 23-умумтаълим мактабида жиноят содир бўлди. Фуқаро Б.Ю. (1982 й.т., иш-сиз) шу ерда ишлайдиган турмуш ўртоғи билан ўзаро жанжаллашиб қолади. Оқибатда ошхона пичоғи билан унга жароҳат етказган. Уларни ажратмоқчи бўлган мактаб директорини ҳам танасининг турли қисмларига уч маротаба пичоқ уриб, ҳар иккаласининг жонига суиқасд қилган.

Мазкур ҳолат юзасидан шу куни туман прокуратураси Б.Ю.га нисбатан ЖКнинг 25,97-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатган ва у процессуал тартибда ушланган. Айни ҳақда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Андижондаги мактабда эса педагоглар калтакланган. Ушбу ҳодиса ҳам айнан 5 октябрь куни содир бўлган. Фуқаро У.Т. ва бошқалар жамоат жойи, таълим-тарбия маскани — 50-умумтаълим мактаби ҳудудида келиб, жамиятда юриш-туриш қондасини менсимасдан турли бўёқшов ҳаракатлар қилишган. Улар мазкур мактаб директори ўринборлари лавозимида ишловчи

Ш.Ўрмонов ҳамда Г.Ашуровлар билан ҳеч бир асоссиз ўзаро жанжаллашишган. Жанжал вақтида улар педагогларга тан жароҳати етказишган.

Бунга мактаб директори ўринборлари Т.У.нинг турмуш ўртоғи, мазкур мактабда ўқитувчи вазиасида ишловчи Ю.Д.ни кийиниш маданиятига риоя қилмагани боис танбех берганлари сабаб бўлганлиги айтилмоқда.

Мазкур ҳолат юзасидан Андижон шаҳар ИИБ томонидан терговга қадар текшириш ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Фуқаро С.Т. (1956 й.т. иш-сиз) Афғонистон фуқароси (1989 й.т. МЧЖ раҳбари) Н.Г.га Юнусобод туманида жойлашган «Олой деҳқон бозори» АЖ ёнида қурилиш учун ер майдони ва Тошкент шаҳридан 2 хонали уй олиб беришни ваъда қилиб, ундан 10.000 АҚШ долларини олиб, ўзлаштирган.

Мазкур ҳолат юзасидан шу йил 7 октябрда Бош прокуратура раҳбарлиги билан «Шуманай пахта қабул қилиш маскани» мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Мазлумки, айни пайтда пахта йиғим-терим мавсуми давом этмоқда. Жараёнда пахта қабул қилиш масканларида ҳам турли даражадаги жиноят ишлари кузатилмоқда.

Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Шуманай туман бўлими ўтказган текширувда, «Шуманай пахта қабул қилиш маскани» мансабдор шахсларининг жиноий қилмиши аниқланди. «Ж» фермер хўжалиги томонидан жорий йилнинг 13-15 сентябрь кунлари 2.580 кг. пахта хомашёси топширилган, лекин юк хатлари ва «ECAS» электрон дастурига сохта маълумотлар киритилиб, умумий қиймати 20,8 млн. сўм бўлган 5.940 кг. хомашёни қўшиб ёзиш ҳолати кузатилди. Яъни, жамият пул маблағларини талон-торож қилиш мақсадида ҳужжатлар сохталаштирилган.

Мазкур ҳолат юзасидан «Шуманай пахта қабул қилиш маскани» мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бош прокуратура матбуот хизмати.

<p>HURRIYAT Мустақил ҳақолат</p>	<p>Бош муҳаррир Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ</p>	<p>Таҳриратга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлади. Мақтубларингизни кутамиз.</p>	<p>Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-91 Тел-факс: (0-371) 244-32-80 Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-88</p>	<p>Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz</p>
	<p>Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси</p>	<p>Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.</p>	<p>Адади: 4005 Буюртма — V-3812</p>	<p>Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233</p>
<p>Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2. Баҳоси келишган нарҳда</p>		<p>Топшириш вақти — 20⁰⁰ Топширилди — 20⁰⁰</p>		<p>Набатчи: Х.Файзиёва. Мусаҳҳиҳ: Ш.Убайдуллаева.</p>
<p>“O‘zbekiston” НМИУ босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.</p>				